



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>**EFFORTS BY THE UN TO END THE NAGORNO-KARABAKH CONFLICT****Sirojiddinxon Sh. Makhmudov**

Master's student

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: UN, Armenia, Azerbaijan, Nagorno-Karabakh, territorial conflict, ethno-political issues, integration, geopolitics.

Received: 14.05.22**Accepted:** 16.05.22**Published:** 18.05.22

Abstract: The article says that the United Nations occupies a great position in the world community, providing versatile assistance to its member states in various spheres of life, as well as practical assistance in various social, humanitarian, economic and political spheres. In particular, the practical efforts of Armenia and Azerbaijan to resolve the Nagorno-Karabakh conflict, which has been an ethno-political problem over the past century, and to reconcile the conflicting parties are analyzed.

БМТ ТОМОНИДАН ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ НИЗОСИНИ ТЎХТАТИШГА ҚАРАТИЛГАН САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР**Сирожиддинхон Ш. Маҳмудов**

Магистратура талабаси

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: БМТ, Арманистон, Озарбайжон, Тоғли Қорабоғ, худудий низо, этно-сиёсий муаммолар, интеграция, геосиёсат.

Аннотация: Мақолада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамиятида катта мавқеига эга ҳисобланиб, ўзига аъзо бўлган давлатларнинг турли ҳаётий жабҳаларда турли кўмак бериб, турли ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-сиёсий соҳаларда амалий кўмак бериб келмоқда. Хусусан, Арманистон ва Озарбайжон ўртасида ўтган асрдан буён этник-сиёсий муаммо бўлиб келаётган Тоғли Қорабоғ можаросини енгиллаштириш, низолашаётган тарафларни муроСага

УСИЛИЯ ООН ПО ПРЕКРАЩЕНИЮ НАГОРНО-КАРАБАХСКОГО КОНФЛИКТА

Сирожиддинхон Ш. Махмудов

Студент магистратуры

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: ООН, Армения, Азербайджан, Нагорный Карабах, территориальный конфликт, этнополитические вопросы, интеграция, геополитика.

Аннотация: В статье говорится о том, что Организация Объединенных Наций занимает большое положение в мировом сообществе, оказывая разностороннюю помощь своим государствам-членам в различных сферах жизни, а также практическую помощь в различных социально-гуманитарных, экономических и политических сферах. В частности, анализируются практические усилия Армении и Азербайджана по урегулированию нагорно-карабахского конфликта, который на протяжении последнего столетия был этнополитической проблемой, и по примирению конфликтующих сторон.

КИРИШ

Ҳозирги замон халқаро алоқаларида халқаро ташкилотлар, давлатлар ҳамкорлигининг шаклларида бири сифатида муҳим рол ўйнайди. Халқаро ташкилотлар давлатларнинг ёки ҳукумат қарамоғида бўлмаган миллий жамиятларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, фан-техника, маданият соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун тузилган уюшмадир.

Арманистон ва Озарбайжон ўртасида жойлашган Тоғли Қорабоғ ҳудуди бу икки давлат ўртасида низоли вазиятларга сабаб бўлмоқда. Тарихан олиб қараладиган бўлса, бу ҳудудда этник арманлар кўпчиликини ташкил қилган ва собиқ иттифоқ даврида давлатларни бўлиб ташлаб ҳукмронлик қил тамойили остида арман миллатига мансуб кишилар Озарбайжон ҳудудига ўтиб қолдилар. Юқорида номлари келтирилган икки давлат ҳам собиқ иттифоқдан мустақил бўлгандан сўнг, суверен мақоми билан халқаро доираларда ўз сўзи ва позитсияси билан қатнаша бошлади.

Шу орада 1945 йил тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳам аъзоликка қабул қилинди. Аъзоликка қабул қилинган давлатларни аъзоликка қабул қилингандан сўнг, бажарадиган функционал вазифалари мавжуддир.

БМТ низомининг биринчи моддасида куйидаги сўзлар келтирилади: “Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва шу мақсадда тинчликка таҳдиднинг олдини олиш ва уни бартараф этиш ва тажовуз ҳаракатлари ёки тинчликка раҳна солувчи бошқа ҳаракатларни бостириш учун биргаликда самарали чоралар кўриш ва адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига асосланган ҳолда тинчлик воситаларидан фойдаланиб, тинчликнинг бузилишига олиб келувчи халқаро низо ёки вазиятларни тинчитиш ёки ҳал қилиш...[1]”.

Низомнинг 23-бандида “Ҳар қандай низода қатнашувчи томонлар, бу низонинг давом этиши халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг сақланишига таҳдид соладиган бўлса, аввало, низони музокаралар юритиш, текшириш, воситачилик ярашиш, арбитраж, суд йўли билан ҳал қилиш ёки ўз хоҳишига кўра, бошқа тинчликвоситалари билан барараф қилишга интилишлари лозим”-деб айтилган.

Яъни низолашаётган томонлар муаммони аввало музокаралар йўли билан ҳал қилиши керак.

АСОСИЙ ҚИСМ

БМТнинг Кавказ минтақасидаги ташқи сиёсий ёндашувларини илмий объективлик, тизимли-функционал, қиёсий методлар орқали таҳлил қилар эканмиз, Шу жойда Озарбайжон Республикаси Президентининг жамоат ва сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Али Ҳасанов “Озарбайжон Тоғли Қорабоғга кенгроқ мухторият беришга ва маҳаллий арман аҳолисининг фуқаролик ҳуқуқларини та’минлашга тайёр”-деди Озарбайжон Иерусалем Пост газетасида чоп этилган интервьюсида [2].

БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан “Хавфсизлик Кенгаши аъзолари томонларнинг жангларни зудлик билан тўхтатиш, кескинликни пасайтириш ва зудлик билан мазмунли музокараларга қайтиш тўғрисидаги чақириғини қўллаб-қувватлашини билдирди”, дейилади кенгаш баёнотида.”

Халқаро ташкилотнинг назорат этиш вазифаси аъзо давлатларнинг қабул қилинган қарорларга мувофиқ равишда ўзини тутиши устидан назоратни амалга оширишдир.

Шу мақсадда халқаро ташкилотлар тегишли ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, уни муҳокама қилиш ва тегишли резолюцияларда бу борадаги фикрларини баён қилиш ҳуқуқларига эгадир.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият давлатлар ёки низолашаётган томонлар ўртасидаги баҳсли масалаларни ҳал этиш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш борасида катта саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Буни жаҳондаги можароларни ҳал қилиш сиёсатидаги сўнгги тенденциялар тасдиқлайди. Бу тенденцияларнинг шаклланишида БМТ, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши ва бошқа шу каби ташкилотлар катта аҳамиятга эгадир.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган, шу жумладан этник-сиёсий можароларни ҳал этишнинг жаҳон амалиёти уларни тинч йўл билан ҳал этишдан келиб чиқади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 33-моддаси 1-бандида халқаро низоларни музокаралар, сўровлар, воситачилик, ярашув, ҳакамлик, суд муҳокамаси, минтақавий органларга ёки келишувларга мурожаат қилиш каби тинч йўл билан ҳал қилиш усуллари назарда тутилган.

Этносиёсий низоларни ҳал қилиш жараёнидаги қийинчиликлар, энг аввало, конфликтнинг ўзининг мураккаблиги, унинг тарихий илдиэлари, томонлар позитсияларининг муросасизлиги билан боғлиқ. Бироқ, халқаро ҳуқуқнинг ўзи, бир томондан, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминласа, иккинчи томондан, давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини тан олиш ва ҳурмат қилишни таъминлаганида маълум бир зиддиятни келтириб чиқаради. Ушбу нормаларнинг рақобати этник-сиёсий характердаги низоларни ҳал қилишда қийинчиликларга олиб келади.

Таҳлиллар ва кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги Тоғли Қорабоғ ҳудуди этно-сиёсий ҳамда муаммонинг эчимини ҳал қилишда аниқ ечимлар юқлигини кўрсатмоқда. Арманистон томони халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини қўлласа, Озарбайжон томони ҳудуд бўлинмаслиги “иддао” қилишмоқда. Бу муаммони бартараф этишда турли халқаро институтсионал идора ва ташкилотлар жумладан Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Минск гуруҳи каби халқаро ҳукумат ташкилотларнинг Тоғли Қорабоғ можаросини тартибга солиш жараёнида ўрни катта ҳисобланади.

Жумладан икки низолашаётган давлат ўртасида тинчлик ўрнатиш ҳамда томонлар ўртасида дўстлик алоқаларини тиклаш учун 1993 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Тоғли Қорабоғ бўйича 4 та резолюсияси қабул қилинган.

Биринчи резолюция: Хавфсизлик Кенгаши томонидан 1993 йил 30 апрелдаги 3205 йиғилишида қабул қилинган 822-сон резолюсия;

Иккинчи резолюция 1993 йил 29 июлда ўзининг 3259 йиғилишида қабул қилинган 853-сон резолюсияси;

Учинчи резолюция 1993 йилнинг 14-октябрда қабул қилинган 874-сон резолюсияси;

Сўнгги резолюция эса шу йилнинг 12 ноябрдаги БМТ Хавфсизлик кенгашининг 3313-сон йиғилишида 884-сон резолюсиясидир.

Охириги резолюсияда қуйидаги сўзлар баён қилинади: 1993 йил 30 апрелдаги 822 (1993), 1993 йил 29 июлдаги 853 (1993) ва 1993 йил 14 октябрдаги 874 (1993) қарорларини тасдиқлаб,

1993 йил 9 ноябрдаги Тоғли Қорабоғ бўйича Минск конференциясининг амалдаги раисининг Хавфсизлик Кенгаши ва унинг иловаси раиси номига йўллаган хатини (С/26718 рақам билан) эътиборга олиб,

Озарбайжон Республикасининг Тоғли Қорабоғ минтақаси ва унинг атрофидаги можаронинг давом этиши ҳамда Арманистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги зиддиятнинг давом этиши минтақадаги тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солишидан жиддий хавотир билдирган ҳолда,

Арманистон ҳукуматини Озарбайжон Республикасининг Тоғли Қорабоғ вилояти арманлари томонидан 822 (1993) , 853 (1993) ва 874 (1993) резолюсияларини бажаришга эришиш учун ўз таъсиридан фойдаланишга ва жалб қилинган кучларнинг тегишли чораларни кўришини таъминлашга чақиради деб келтирилади БМТ резолюцияларида[3].

Ушбу резолюцияларнинг бирламчи ва энг муҳим талаби уруш оловини, барча жанговар ҳаракатларни ва душманлик ҳаракатларини зудлик билан тўхтатиш эди.

Тўрт резолюциянинг айнан шу асосий қондаси Озарбайжон томонидан тўлиқ бажарилмаган. Резолюциялар қабул қилингандан бери Озарбайжон ўт очишни тўхтатиш режимини бир неча бор бузди (БМТ хавфсизлик кенгаши 884-сон резолюциясида аниқ кўрсатилган) ва сулҳ ўрнатиш ёки узайтириш бўйича таклифларни рад этди.

Ўт очишни тўхтатиш бўйича келишувга БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан биринчи резолюция қабул қилинганидан бир йил ўтибгина эришилди. **Озарбайжоннинг 1994-йилдаги муддатсиз сулҳ битимини имзолашига сабаб**, у доимий равишда эътибордан четда қолган юқорида қайд этилган резолюция талабларини бажариш эмас, балки о'зининг ҳарбий муваффақиятсизликлари эди Озарбайжоннинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тўртта резолюцияси талаблари ва чақириқларини бажаришдан бош тортиши, ечимни ҳарбий йўлга қўйишга интилиши, тинчликни таъминлашни истамаслиги ва доимий равишда ҳарбий амалиётларни қайта бошлаш таҳдиди қайд этилган резолюцияларнинг кадр-қимматини пасайтирди ва уларни амалда яроқсиз ҳолга келтирди[4].

Охирги бўлиб ўтган 2020 йилги жангларда БМТ томонидан кўрсатилган барча позициялар самарасиз бўлиб қолди.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, БМТ томонидан белгиланган чоратadbирларнинг ижроси ўз вақтида самарали бажарилмади, чунки чиқарилган барча резолюциялар шунчаки тавсиявий характерга эга бўлиб қолди. БМТнинг ўз устав, низомида келтирилган бандларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларда аниқ бир қатъий чоралар аниқ йўқ эди.

Озарбайжон ва Арманистон давлатлари ҳар иккаласи ҳам жумладан, 1994 йилги урушларда Арманистон томони ғалабага эришган бўлса, сўнгги 2020 йилги жангларда Озарбайжон бевосита Туркия томони ёрдами билан ғалабага эришди. Уша пайтлардаги жанг вазиятларида ҳам БМТ томонларни келишишга мурса қилишга, низони тинчлик йўли билан ҳал қилишга дават қилганига қарамай барибир ўзини билган йўлида давом этди [5].

БМТ низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга керак бўлса янги жиддий чораларини кўриш тамойилларини ишлаб чиқиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бордачев Т. В. Сила, мораль, справедливость // Россия в глобальной политике. – 2014. – Т. 12. – № 2, март-апрель. – URL: [http:// www.globalaffairs.ru/number/Sila-moral-spraved- livost-16584](http://www.globalaffairs.ru/number/Sila-moral-spraved- livost-16584)
2. Роль ООН в нагорно-карабахском конфликте/Мир и Политика. Апрель
3. 2011 г. №4(55) с.103-108. 1.5 п.л. - Издание из перечня ВАК
4. Гогорян С Л Международно-правовая оценка Нагорно-Карабахской Республики и соотношение принципа территориальной целостности и принципа права наций на самоопределение в решении нагор-но-карабахской проблематики // Юристы-Правоведь. 2007. № 3, - 0,75 п.л
5. Гаджиев К. С. «Большая игра» на Кавказе. Вчера, сегодня, завтра. М.: Междунар. отношения, 2010. 344 с.
6. ОБСЕ. Двенадцатая встреча Совета министров. София, 6–7 декабря 2004 года. Заявление о Нагорно-Карабахском конфликте. Веб-сайт ОБСЕ: http://www.osce.org/documents/mcs/2005/02/4307_ru.pdf
7. Мелик-Шахназаров А. В. Нагорный Карабах: факты против лжи. Информационно-идеологические аспекты Нагорно-Карабахского конфликта. М.: Волшебный фонарь, 2009.
8. Madaminova, D. I., & Fayzullaev, S. A. (2021). The important aspects of uzbekistan's initiatives in central Asia. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 324-328.
9. Sayfullaev, D. (2016). Parliamentary Diplomacy In Making Of Foreign Policy. *The Advance Science Journal of International Relations*, 1(1), 52-54.
10. Madaminova, D. I. (2021). Uzbekistan as a leading initiator in central Asia. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1045-1049.
11. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.